

Болалар, ёшлар ва иқлим ўзгариши тўғрисидаги декларация

Болалар ва ёшлар томонидан ишлаб чиқилган ва дунё болалари ва ёшлари томонидан белгиланган устувор йўналишларни қўллаб-қувватловчи етакчи ҳукуматлар томонидан келишилган мажбурият.

Иқлим ўзгариши туфайли болалар ортиб бораётган алоҳида хавф-хатарларга дуч келаётгани, бу аллақачон ўз таъсирини кўрсатаётгани ва булурдан кам таъминланган ҳамда ҳаётда қийинчиликларни бошдан кечираётган болалар зарар кўраётганини ёдда тутган ҳолда;

Глобал етакчилик ҳамда болалар ва ёшларнинг иқлим ўзгариши бўйича шошилиш ва тезкор ҳаракатларга чақирувларини, шунингдек уларнинг ислоҳот мутассаддилари сифатида ҳал қилувчи ролини тан олган ҳолда;

Париж битимининг 2-моддасида ўртача глобал ҳаво исиши саноатгача бўлган 2 ° С дан анча паст даражада ўсишини чеклаш мажбурияти, ва ҳароратнинг ўсишини саноатдан олдинги 1,5 ° С гача чеклаш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттиришини эсда тутган ҳолда, шунингдек, 7-моддадаги мослашув бўйича умумий мақсад, ва мажбуриятлар иқлим ўзгариши хавфи ва таъсирини сезиларли даражада камайтиришини тан олган ҳолда, шунингдек, 7-моддадаги мослашиш бўйича умумий мақсадни ҳисобга олиб, ушбу мажбуриятлар иқлим ўзгариши хавфи ва таъсирини сезиларли даражада камайтиришини назарда тутган ҳолда;

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясини, БМТнинг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ва барча болалар ва ёшларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тарғиб қилиш, ҳурмат қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ барча инсон ҳуқуқлари воситаларини яна бир бор тасдиқлаш;

Париж битимидаги давлатларнинг инсон ҳуқуқлари, шу жумладан болалар ҳуқуқлари бўйича тегишли мажбуриятларини ҳурмат қилиш, тарғиб қилиш ва инобатга олиш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш чораларини кўришда авлодлараро адолат мажбуриятини эсга олиш;

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари кенгашининг экологик зарар ва иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқларига бағишланган 37/8, 35/20 ва 40/11 қарорларини ва хавфсиз иқлим инсон ҳаёти ва фаровонлиги учун зарур бўлган хавфсиз, тоза, соғлом ва барқарор муҳитга бўлган ҳуқуқнинг муҳим элементи эканлигини эсга олиш.;

Шундай қилиб, биз қуйидагиларни кўриб чиқиш мажбуриятини ўз зимамизга оламиз:

1. Болаларнинг соғлом муҳитга эгаллик ҳуқуқини глобал миқёсда тан олиш ва амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек, ушбу ҳуқуқни тегишли ҳолларда миллий, минтақавий ва глобал доирада ваёки миллий сиёсат ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриш;

2. Болалар ва ёшлар ҳуқуқларини барча даражаларда Париж битимини амалга оширишда риоя қилиш, илгари суриш ва ҳисобга олиш, шу жумладан уларнинг ўзига хос заиф томонларини, шунингдек, мамлакатларнинг миллий иқлимида асосий манфаатдор томонлар ва ижрочилар мақомини тан олиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш. мослаштириш ва юмшатиш чора-тадбирлари, Миллий миқёсда белгиланган ҳиссалар (ММХ), Миллий мослашиш режалари (ММР) ва иссиқхона газлари чиқиндиларини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегиялар, шу жумладан хусусий секторнинг алоҳида роли ва масъулиятини ҳисобга олган ҳолда;

3. Болалар ва ёшларнинг мослашуви, табиий офатлар хавфини камайтириш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш чора-тадбирларига инвестисияларни кенгайтириш ва жадаллаштириш, энг катта хавф остида бўлган болаларга ёрдам беришга шошилишч эътибор қаратиш ва болаларга оид мезонларни кўп томонлама асосда жорий этишни тарғиб қилиш;

4. Иқлим ўзгариши ва экологик таълимни яратиш ва уларга сармоя киритиш, шунингдек болалар ва ёшларга ўзларини ҳимоя қилиш ва хавфсиз ва барқарор келажакни таъминлаш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни бериш орқали болалар ва ёшларнинг иқлим ўзгаришини секинлаштириш ва мослаштириш бўйича саъй-ҳаракатларини кучайтириш, бундай саъй-ҳаракатлар имконияти чекланган болалар ва ёшларга етиб боришини таъминлаш;

5. UNFCCC ёшлар делегатлари дастурида иштирок этиш ва ёшлар иқлим ҳаракати (YOUNGO) устувор йўналишларини мазмунли кўллаб-қувватлаш имкониятларини ўрганиш орқали "иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда имкониятларни кенгайтириш" мулоқоти орқали, шу жумладан, иқлим ўзгариши билан боғлиқ жараёнларда болалар ва ёшларнинг фаол иштирокини ошириш, "Глобал Жануб"га эътибор қаратган ҳолда;

6. Иқлим ўзгариши бўйича қарор қабул қилишда болалар ва ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш учун болалар ва келажак авлодлар учун халқаро комиссия тузиш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек миллий миқёсидаги мавжуд ёки янги механизмларни ўрганиш;

7. Юқоридаги мақсадларни фаол амалга ошириш, болалар ва ёшларга иқлим бўйича ҳаракатларда, шу жумладан БМТ ФССС қарорига нисбатан ҳамжиҳатликни ва ўзаро эътиборни кучайтириш учун миллий ва халқаро даражада институтсионал ва маъмурий чораларни,

шунингдек ҳамкорликни қабул қилиш - жараёнлар ва иш оқимларини яратиш, Париж келишуви ва Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш.

имзо: сана:

идора: